

**Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида маълумот**

<b>ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ</b>							
1.	Тўлиқ:	Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”					
	Қисқартирилган:	АТ “Алоқабанк”					
	Биржа тикерининг номи:	ALKB					
<b>АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ</b>							
2.	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.					
	Почта манзили:	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.					
	Электрон почта манзили:	info@aloqabank.uz					
	Расмий веб-сайти:	www.aloqabank.uz					
<b>МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ</b>							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар.					
Умумий йиғилиш тури:		Йиллик					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		2016 йил 18 июнь.					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		2016 йил 20 июнь.					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк” биносининг мажлислар зали.					
Умумий йиғилиш кворуми:		917 410 878 та овоз ёки 96,31 фоиз.					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1.	АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100,0	917 410 878	0	0	0	0
2.	АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	917 410 878	0	0	0	0
3.	АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2016 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви раиси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	917 410 878	0	0	0	0
4.	АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	917 410 878	0	0	0	0
5.	АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якуни бўйича аудиторлик ҳисоботи.	100,0	917 410 878	0	0	0	0
3.	6. АТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.	99,9	916 819 448	0,1	591 430	0	0

7.	АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.	99,9	916 148 275	0	0	0,1	1 262 603
8.	АТ “Алоқабанк”нинг 2016 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш:						
	“DELOITTE & TOUCHE”	88,4	811 030 057	0	0	0	0
	“PriceWaterhouseCoopers”	7,5	68 436 366	0	0	0	0
	“ERNST & YOUNG”	0	0	0	0	0	0
	“GRANT THORNTON”	4,1	37 944 455	0	0	0	0
9.	АТ “Алоқабанк”нинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш:						
	Ишанкулов Иззатилла Нуриллаевич	100,0	917 410 878	0	0	0	0
	Расулев Муминджан Халикович	100,0	917 410 878	0	0	0	0
	Разаков Суннатилла Убайдуллаевич	100,0	917 410 878	0	0	0	0
10.	АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларини сайлаш.						
	Кандидатлар тўғрисида маълумот						Овозлар сони
	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар		Овозлар сони		
			сони	тури			
	Мирзахидов Хуршид Мирсабирович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири	157 дона 211 775 дона	Оддий Имтиёзли	1 095 483 581		
	Атамухамедов Шухрат Махамадназимович	“Ўзбекистон почтаси” АЖ Бош директори	79 065 дона	Имтиёзли	853 514 556		
	Абдумунинов Абдурашид Абдухадович	“Ўзбектелеком” АК Бош директори	128 750 дона	Имтиёзли	878 699 056		
	Мансуров Рустам Пулатович	“Электромагнит мослашув маркази” ДУК бошлиғи	439 625 дона	Имтиёзли	853 514 556		
	Тохиров Бахтиёр Иброхимович	Ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси Директори	173 000 дона	Имтиёзли	853 514 556		
	Иминов Тохиржон Каримович	“ALSKOM” АЖ суғурта компанияси Бош директори	431 625 дона	Имтиёзли	853 699 056		
Арипов Абдулла Нигматович	Тошкент ахборот технологиялари университети доценти	26 674 дона 576 912 дона	Оддий Имтиёзли	928 095 223			
Юлдашев Фахриддин Туракулович	“Nano Lizing Kompaniyasi” МЧЖ директори	136 364 дона 319 637 дона	Оддий Имтиёзли	848 573 684			

	Ирисбекова Каммуна Наринбаевна	Жисмоний шахс	21 338 дона 490 087 дона	Оддий Имтиёзли	907 514 583		
	Муталов Бахтиёр Анварович	ҚҚ “Agroxim Biznes” МЧЖ нинг директори ўринбосари	-	-	115 600 523		
	Шемоняев Александр Иванович	ҚҚ “Agroxim Biznes” МЧЖ да қимматли қоғозлар ва корпоратив фаолият бўйича маслаҳатчи	-	-	7 263 742		
11.	АТ “Алоқабанк” Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.	99,5	913 045 034	0,0	0	0,5	4 365 844
12.	АТ “Алоқабанк”нинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш тўғрисида.	79,8	731 729 268	10,3	94 773 559	2,5	23 287 553
13.	“АТ “Алоқабанк”да Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқаруви Раиси ва аъзоларига ҳамда банк ходимларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Тартибни тасдиқлаш тўғрисида.	97,5	894 384 956	0,0	157 702	2,5	22 868 220
14.	Банкка аффилланган шахс “Ўзбектелеком” АК билан тузиладиган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида.	99,9	436 720 672	0,1	591 430	0,0	0
15.	Банкка аффилланган шахс “Nano Lizing Kompaniyasi” МЧЖ билан тузиладиган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида.	99,9	732 592 174	0,1	591 430	0,0	0
16.	Банкка аффилланган шахс “Alskom” СК АЖ билан тузиладиган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида.	99,8	255 648 762	0,2	591 430	0,0	0
17.	АТ “Алоқабанк”да Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилиш тўғрисида.	100,0	917 410 878	0,0	0	0,0	0
18.	АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.	99,9	919 209 100	0,1	1 288 533	0,0	0
<b>Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:</b>							
1.	АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.						
2.	АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2015 йил якунлари бўйича берган ҳисоботи тасдиқланди ва иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.						

3.	<p>АТ “Алоқабанк” фаолиятининг 2015 йил якунлари бўйича банк Бошқаруви Раисининг ҳисоботи тасдиқланди ва ҳисобот давридаги иш фаолияти қониқарли деб белгиланди. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви томонидан 2016 йилда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар тасдиқланди.</p>
4.	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси томонидан банкнинг молия-ҳўжалик фаолиятини “қониқарли” деб берилган ҳисоботи тасдиқланди.</p>
5.	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил иш фаолияти якунлари бўйича “<b>Deloitte &amp; Touche</b>” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган ҳисоботи тасдиқланди. 2. Банк Бошқарувиға “<b>Deloitte &amp; Touche</b>” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида белгиланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
6.	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2015 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди.</p>
7.	<p>2015 йил давомида олинган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган банкнинг 27 039 398 000,0 сўм соф фойдаси куйидаги тартибда тақсимланди: - банкнинг Умумий захиралар жамғармасига фойданинг - 50 фоизи ёки – 13 519 699 000,0 сўми; - банкнинг Имтиёзли кредитлаш жамғармасига фойданинг - 10 фоизи ёки – 2 411 914 087,06 сўми; (ҳисобланган лекин ундирилмаган даромадлар чегирилган ҳолда 16300,16400 ҳисоб рақамларидаги қолдиқ); - банк Бошқаруви ихтиёридаги жамғармага фойданинг – 2 фоизи ёки 540 787 960,0 сўми; - банкнинг имтиёзли акцияларига 2015 йилнинг I, II ва III чоракларига 1 188 000 000,0 сўм тўланганлиги тасдиқлансин. - банкнинг 2015 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасидан 9 221 193 661,68 сўмини банкнинг оддий акцияларига 2015 йил якуни бўйича бир дона оддий акцияга 9 сўм 68 тийин ёки номинал қийматига нисбатан 8 фоиз ҳисобидан дивиденд тўловлари тўлашга йўналтирилсин. Банкнинг 2015 йил давомида олган соф фойдасини қолган 2 118 405 291,26 сўми тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилди. Банкнинг оддий акцияларига 2015 йил якуни бўйича тўланадиган дивидендлар 2016 йилнинг 14 июнь куни ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестри асосида 2016 йилнинг 20 июнидан бошлаб 2016 йил 16 августгача амалга оширилади.</p>
8.	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2016 йил иш фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “<b>Deloitte &amp; Touche</b>” аудиторлик компанияси танланди ва унинг хизматиға тўланадиган ҳақ миқдорининг энг юқори даражаси 81 000,0 (саксон бир минг) АҚШ доллари миқдорида белгиланди.</p>
9.	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2016 йилги иш фаолияти юзасидан тафтишдан ўтказиш учун 3 аъзодан иборат бўлган тафтиш комиссияси куйидаги таркибда сайланди: 1) <b>Ишанкулов И.Н.</b> - Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош бухгалтери; 2) <b>Расулев М.Х.</b> – “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Бош бухгалтери; 3) <b>Разаков С.У.</b> - “Ўзбектелеком” АК Бош бухгалтери.</p>
10.	<p>1. АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат бўлиб, куйидаги таркибда сайланди: 1) <b>Мирзахидов Х.М.</b> - Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири; 2) <b>Атамухамедов Ш.М.</b> - “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бош директори; 3) <b>Абдумунинов А.А.</b> - “Ўзбектелеком” АК Бош директори; 4) <b>Мансуров Р.П.</b> - “Электромагнит мослашув маркази” ДУК бошлиғи; 5) <b>Тохиров Б.И.</b> - Ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси</p>

	<p>директори;  6) <b>Иминов Т.К.</b> - "ALSKOM" АЖ суғурта компанияси Бош директори;  7) <b>Арипов А.Н.</b> - Тошкент ахборот технологиялари университети доценти;  8) <b>Юлдашев Ф.Т.</b> - "Nano Lizing Kompaniyasi" МЧЖ директори;  9) <b>Ирисбекова К.Н.</b> - Жисмоний шахс.</p>
11.	<p>АТ "Алоқабанк" Бошқаруви раиси Абдурахманов М.С. билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга узайтирилди.</p>
12.	<p>АТ "Алоқабанк"нинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг бир йил давомидаги энг юқори миқдорлари қуйидагича:  - Бошқарув раисига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 (икки минг беш юз) баробари миқдорида;  - Бошқарув аъзоларига (ҳар бирига) Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 2400 (икки минг тўрт юз) баробари миқдорида тасдиқланди.  Банк Кенгаши зиммасига банкнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдоридан ошмаган ҳолда тўланишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.</p>
13.	<p>"АТ "Алоқабанк"да банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқаруви Раиси ва аъзоларига ҳамда банк ходимларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида"ги Тартиби тасдиқланди.</p>
14.	<p>АТ "Алоқабанк" ва "<b>Ўзбектелеком</b>" <b>АК</b> ўртасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай битимлар, шу жумладан банк операциялари, хусусан кредит, лизинг, банк кафолати, кафиллик, депозит, своп ва спот битимлари, суғурта, пул маблағлари ва тўловларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар, гаров ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа операциялар ҳамда "Ўзбектелеком" АК томонидан кўрсатилаётган хизматлари юзасидан тузиладиган битимлар бўйича ҳар бир битимнинг суммаси банк соф активларининг 15 фоизигача бўлган ҳолларда битимларни тузишга олдиндан рухсат берилди.</p>
15.	<p>АТ "Алоқабанк" ва "<b>NANO LIZING KOMPANIYASI</b>" <b>МЧЖ</b> ўртасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай битимлар, шу жумладан банк операциялари, хусусан кредит, лизинг, банк кафолати, кафиллик, депозит, своп ва спот битимлари, суғурта, пул маблағлари ва тўловларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар, гаров ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа операциялар ҳамда "NANO LIZING KOMPANIYASI" МЧЖ томонидан кўрсатилаётган хизматлари юзасидан тузиладиган битимлар бўйича ҳар бир битимнинг суммаси банк соф активларининг 15 фоизигача бўлган ҳолларда битимларни тузишга олдиндан рухсат берилди.</p>
16.	<p>АТ "Алоқабанк" ва "<b>ALSKOM</b>" <b>СК АЖ</b> ўртасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай битимлар, шу жумладан банк операциялари, хусусан кредит, лизинг, банк кафолати, кафиллик, депозит, своп ва спот битимлари, суғурта, пул маблағлари ва тўловларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар, гаров ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа операциялар ҳамда "ALSKOM" СК АЖ томонидан кўрсатилаётган хизматлари юзасидан тузиладиган битимлар бўйича ҳар бир битимнинг суммаси банк соф активларининг 15 фоизигача бўлган ҳолларда битимларни тузишга олдиндан рухсат берилди.</p>
17.	<p>1. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини АТ "Алоқабанк"да жорий қилиш босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди.  2. АТ "Алоқабанк"да Корпоратив бошқарувни жорий қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида Банк Кенгаши томонидан "Deloitte &amp; Touche" компанияси танланганлиги ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 65 000,0 (олтмиш беш минг) АҚШ доллари (сўм эквиваленти) миқдорида белгиланганлиги тасдиқланди.</p>

	3. Банк Кенгаши ва Бошқаруви АТ “Алоқабанк”да Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларини жорий қилиш бўйича “Deloitte & Touche” компанияси билан ишларни амалга оширсин ва амалга оширилган ишлар натижаси бўйича Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш масаласини банк акциядорларининг кейинги умумий йиғилиши кун тартибига киритилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
18.	АТ “Алоқабанк” Уставининг 33-банди янги таҳрирда “эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар эгалари банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар акциянинг номинал қийматига нисбатан 40 фоиз миқдорида имтиёзли тарзда дивиденд олиш ҳуқуқига эга” деб ўзгартирилди.

Бошқарув Раиси ўринбосари

Ш.Бахриддинов

Бош бухгалтер

Х.Бўронов

Веб-сайтда ахборот  
жойлаштирган ваколатли шахс

М.Чагаев